




# ШАРҚШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ



2  
2013



Нашрга тайёрловчилар:

А. ЗИЁДОВ (муҳаррир),  
М. ЗАРИФОВ (техник  
муҳаррир),  
Д. АРИФЖАНОВА (мусаххих).

Журнал оригинал-макет асосида  
босилди.

Индекс 100065.

E-mail: [sharq\\_ilmiy@inbox.uz](mailto:sharq_ilmiy@inbox.uz)

Интернет: [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)

© Шарқшунослик, 2013

Босишга рухсат этилди 24.10.13

Бичими 1/16. Шартли б.т. 11,5

100 нусхада босилди. Буюртма №

Баҳоси келишилган нарҳда.

Тошкент давлат шарқшунослик

институтининг кичик

босмаҳонасида босилди.

Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик  
институтининг, 2013

## ХАЛҚАРО СИЁСАТ

- Идиоров У.* Глобал хавфсизлик ва тинчликни  
мустаҳкамлаш – замонавий демократик тараққиёт  
барқарорлигининг етакчи асоси .....110
- Сайфуллаев Д.* Марказий Осиёда хавфсизликни  
таъминлашда Афғонистон муаммоси.....115
- Ниязова Н.* Феминистик назариянинг гендер  
концепциясига айланишининг тарихий генезиси .....125
- Салайдинов Б.* Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг  
Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни  
таъминлаш жараёнларидаги роли.....131
- Рашидов Р.* Геосиёсий омил – Афғонистондаги  
вазиятга таъсир этувчи муҳим омил сифтаида.....136

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

- Зиёдов Ш.* Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига  
оид янги маълумотлар .....142
- Ўразова Р.* “Ден Яшт” алқовида маъбуда Чистининг  
тутган ўрни .....149
- Абдуллажсанова Н.* Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва  
фаолияти тарихшунослигига доир (1948–1950 йиллар) ..153
- Эргашева С.* Тилдаги ўзгаришларда ижтимоий ва  
маданий омилларнинг аҳамияти.....162
- Ширинова Е.* Банк-молия терминларининг тараққиёт  
манбалари ва усуллари хусусида.....167
- Турекулова Ж.* XIX асрда Мисрда таълим ва  
илм-фаннинг ривожланиши.....171

гистр, бакалавр; маиший турмуш билан боғлиқ: гипермаркет, супермаркет, бутик, жалюзи, жакузи, фитнес, фастфуд, гамбургер, чизбургер, хотдог, пицца, чикен, тост ва ҳ.к. ўзлашмалар кириб келди.

Албатта, бундай ўзлашмаларнинг қўлланиши тилнинг софлигига маълум маънода путур етказса-да, улар жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқулланган ва қабул қилинган.

**Екатерина ШИРИНОВА**

### **Банк-молия терминларининг тараққиёт манбалари ва усуллари хусусида**

*Мазкур мақолада дунё тилишуносларининг терминологик системалар тараққиёт манбалари ва усуллари хусусидаги ёндашувлари таҳлил қилинади ва ўзбек тилидаги банк-молия терминлари таҳлил қилинади.*

*Таянч сўз ва иборалар:* тилишунос, терминологик ситема, тараққиёт манбалари, усул, ёндашув, банк-молия терминлари, семантик усул, морфологик усул синтактик усул, сўз, сўз бирикмалари

*В данной статье анализируется мнение лингвистов мира об источниках и способах развития разных терминологических систем, а также банковско-финансовая терминология узбекского языка.*

*Опорные слова и выражения:* лингвист, терминологическая ситема, источники развитие, метод, подход, банковско-финансовая терминология, семантический метод, морфологический метод, синтаксический мтеод, слово, словосочетание.

*In this article, approaches to the development sources of terminological system and methods of world linguistics are analysed and presented into banking and financial terms in the Uzbek language.*

*Key words and expressions:* linguist, terminological system, sources of development, method, approach, banking- financial terminology, semantic method, morphological method, syntactical method, word, word – combination.

Маълумки, ҳар қандай тилнинг лексик қатламини бойитиб, тараққий эттирувчи манбалар мавжуд бўлиб, улар тил системасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, шартли равишда ички ва ташқи манбалар деб аталади. Дунё тилишунослигида терминологик системаларда термин ҳосил бўлишига нисбатан бир қатор қарашлар мавжуд бўлиб, бундай ёндашувларнинг айримларида терминологик номинациянинг асосий усуллари сифатида умумдабий тил сўзларининг терминлашиши, транстерминлаши ва сўз ўзлашиши эътироф этилади<sup>1</sup>. А.В.Майтованинг “Терминосистема предметно-специального языка “Банковское дело” в лингвокогнитивном аспекте” мавзусидаги диссертациясида таъкидланишича: “Термин ҳосил бўлиш усуллари бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, терминшуносликнинг энг муҳим ва

<sup>1</sup> *Константинова Н.Л.* Иноязычное заимствование и система языка (на материале англоязычной лексики в финансово-экономической терминосистеме немецкого языка). // Филологические науки. 1999. – №2. – С.86; *Суперанская А.В.* Общая терминология: вопросы теории // А.В.Суперанская, Н.В.Подольская, Н.В.Васильева / отв.ред. Т.Л.Канделаки. 3-е изд., стереотип. – М.: Едиторал УРСС, 2004. – С.104.

долзарб, шу билан бирга бошқа долзарб масалалари очиқлигича қолмоқда”<sup>1</sup>. Л.В. Ивина терминларни шакллантирувчи асосий манбалар масаласига ўз тадқиқотида қуйидагича ёндашади: “Кўп ҳолларда янги илмий терминларнинг шаклланишида инсон ақлий ва ижтимоий фаолияти жабҳаларида аллақачон шаклланган янги сатҳлар терминологиясининг таркибидаги мантиқий-фалсафий ва математик терминосистемалар манба бўлиб хизмат қилади”<sup>2</sup>. А.В. Майтова ҳам ўз диссертациясида Л.В. Ивинанинг мазкур фикрини келтириб, ушбу масала, яъни терминларни шакллантирувчи асосий манбалар мунозараси аслида анча глобал бўлган “Термин ҳосил бўлиш усуллари классификация қилиш” муаммосининг бир қисми эканлигини таъкидлайди. Мазкур масала юзасидан бир қатор ёндашувлар мавжудлигини ва шунга қарамай, фикр юритилаётган масала юзасидан кўп сонли олимлар томонидан ўз илмий ишларида қайд қилинган қуйидаги усуллар мавжудлигини келтириб ўтади:

1) семантик усул (умумистеъмолдаги сўз ёки сўз бирикмасининг янги маъно юклатилган ҳолда термин сифатида қўлланилиши [Задорожный 1971; Шурыгин 1977; Глумов 1980; Кобрин 1997; Prokajew 2002; Шипицын 2006.];

2) морфологик усул (аффиксация ва сўзларни ўзаро кўшиш орқали янги термин ҳосил қилиш) [Овчаренко 1980; Володина 1993; Шкуропацкая 2002; Носенко, Крилова 2003; Голев 2002; Федорченко 2004; Зайнуллина 2006];

3) синтактик усул (терминологик сўз бирикмаларининг шаклланиши) [Немченко 1994; Хасина 2003.];

4) сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш:

а) умумистеъмол лексика ва бошқа терминосистемалардан [Коротких, 1980; Schmitt, 1985; Jablonski, 1990; Braun, 1990; Крысин, 2000.];

б) бошқа тиллардан [Блумфильд 1968; Крысин, Хак 1998; Россихина 1998; Володина 1993; Маринова 2002; Абдуллина 2004; Мангушев 2002; Рыцарева 2002; Пфандаль 2003; Юлдашбаева 2004; Аскарова 2006], шунингдек, таъкидланган усуллар аралашган ҳолда ҳам воқе бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади [Сергевнина 1978; Федорченко 2004]. Булардан ташқари, терминлар аббревиация усули билан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. [Даниленко 1982; Володина 1993; Беляева 2002]. Айрим муаллифлар эса неологизацияни ҳам термин ҳосил қилиш усули сифатида эътироф қилишади (аввал мавжуд бўлмаган сўз ва сўз бирикмаларни шакллантириш) [Суперанская, Подольская, Васильева 1989]<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Майтова А.В. Терминосистема предметно специального языка “банковское дело” в лингвокогнитивном аспекте: дис...канд.филол.наук. – Саратов, 2008. – 257 с. – С.24.

<sup>2</sup> Ивина Л.В. Лингвокогнитивные основы анализа отраслевых терминосистем (на примере англоязычной терминологии венчурного финансирования): учебно-методическое пособие. – М.: Академический проект, 2003. – 304 с. – С.15.

<sup>3</sup> Майтова А.В. Терминосистема предметно специального языка “банковское дело” в лингвокогнитивном аспекте: дис...канд.филол.наук. – Саратов, 2008. – С. 24. – 257 с.

Термин ҳосил бўлиш усулларининг бир неча хил талқинини ва юқорида фикр юритилган усулларнинг ўзбек тилшунослигидаги ҳам, қиёсий тилшуносликдаги бир қатор илмий ишларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ юқорида маълумот сифатида киритилган термин ҳосил қилиш усуллари ҳозирги ўзбек адабий тилида бошқачароқ номларда талқин қилинади. Масалан, юқорида морфологик усул мазмунида ифодаланган аффиксация ва композициялар (сўзларни ўзаро қўшиш орқали термин ҳосил қилиш) алоҳида усуллар сифатида баҳоланади ва уларнинг фаоллик даражаси ҳам турлича. Бундан ташқари, сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш усули юқорида таъкидланишича, умумистеъмол лексикаси, бошқа терминологик системалар ва бошқа тиллардан амалга оширилади. Ўзбек тилида эса сўз ўзлаштириш масаласи ташқи манба сифатида белгиланади ва унинг а) ўз ҳолича ўзлаштириш (*лизинг, кредит, банкрот ...*) ва б) калька усули орқали ўзлаштириш (*макроиқтисод, микроиқтисод...*) каби турлари мавжуд. Умумистеъмол лексика ва бошқа терминологик тизимлардан маълум бир соҳа терминлари қаторига ўтишини эса тилнинг ички имконияти сифатида баҳоланади. Мазкур ҳодиса Ғ. Исмоилов томонидан “транстерминлашиш” тарзида тавсифланади. Назаримизда, айрим олимлар томонидан қайд қилинган неологизацияни эса термин ҳосил бўлишининг бир усули тарзида таснифлаб бўлмайди. Чунки масалага мантиқан ёндашадиган бўлсак, сўз ясаиш усулларининг барчасининг ҳосиласида янги сўз, яъни неологизм ҳосил бўлади. Демак, бундай ном остидаги термин яшаш усулининг мавжуд бўлиши вазиятни чигаллаштиради, холос.

Ч. Абдуллаеванинг “Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии” деб номланувчи номзодлик диссертациясида терминлар ҳосил бўлишининг терминлашиш, битерминлашиш, ретерминлашиш каби усуллари ҳақида фикр юритилади<sup>1</sup>. Ғ. Исмаиловнинг “Ўзбек тилининг терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Н.Л.Константинова ва А.В.Суперанскаялар томонидан эътироф этилган транстерминлашув усули хусусида кенг ва атрофлича тўхталиб, унинг ўзбек тили терминологик системалардаги фаоллиги масалалари ёритиб берилади<sup>2</sup>. Н.В.Моряхина ўзининг тадқиқотида бугунги кунда лексик қатламни байналмилаллаштириш ҳисобига тилни универсаллаштириш тенденцияси тараққий этаётганини ва терминнинг структур жиҳатдан шаклланишига, хусусан, сўзларни (ёки уларнинг асосларини) қўшиш, қисқартириш ва аббревиация усуллари ёрдамида ҳосил бўлишига

<sup>1</sup> Қаранг: Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс. канд. филол... наук. – Ташкент, 2000. – 194 с.

<sup>2</sup> Қаранг: Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол.фан.ном... дисс. – Тошкент, 2011. – 164 б.

кизиқиш тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнлари ихчамликни ва аниқликни тақозо этиб бормоқда. А.Ҳожиев мазкур фикрда назарда тутилган сўзларни (ёки уларнинг асосларини) кўшиш, яъни композиция усули ўзбек тилига хос эмас, деб ҳисоблайди. Тилшуноснинг фикрича: “Композиция усули билан сўз яшаш деганда, сўз кўшиш йўли билан сўз яшаш тушунилади. Ўзбек тилида икки мустақил сўз маълум грамматик шаклда бирикади ва бирикувчи сўзлар ўртасида грамматик алоқа борлиги сезилиб туради. Бундай бириқиш (боғланиш натижасида луғавий бирлик, яъни лексема эмас, балки синтактик бирлик – сўз бирикмаси ва гап ҳосил бўлади. Шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, “сўз кўшиш билан сўз яшалиши” (шундай сўз яшаш усули) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”<sup>2</sup>. Мазкур тадқиқотимизда эса юқорида фикр юритилган термин ҳосил бўлиш усуллариининг аксарият қисмини банк-молия терминологик тизимига татбиқ қилган ҳолда соҳа терминларини таҳлил қиламиз. Фикримиз аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, кўп қулайликларга эгаллиги ва мантқан тўғрилигига асосланган ҳолда терминологик тизимни тараққий қилдирувчи манбаларни ички ва ташқи манбалар тарзида эътироф этамиз. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёт даврларини кузатар эканмиз, мазкур манбаларнинг бир даврнинг ўзида тенг фаол бўлган ҳолатларини ёки галма-гал тарзда тил луғат қатламининг бойишида етакчилик қилганини кўриш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги фан-техника тараққиёти, ахборотлар оқимининг чексизлиги мазкур масалага ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Бундай таъсир оқибатида ўзбек тили луғат системасида, хусусан, мақолада фикр юритилаётган банк-молия терминологияси кесимида ички манба, яъни ўзбек тилининг ички имкониятларига нисбатан ташқи манба, яъни чет тилларидан сўз ўзлаштириш етакчи мавқега эга бўлиб қолмоқда. Бироқ, ушбу ҳолат субстрат даражасига етмаслиги лозим.

Ўзбек тили банк-молия терминологиясидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам бирликларининг нисбати турлича бўлишига қарамасдан, юқорида таъкидланганидек, ҳар икки манбанинг ўзбек тили луғат тизимининг тараққий этишида ўзига хос ва салмоқли аҳамияти мавжуд.

<sup>1</sup> Моряхина Н.В. Формирование и функционирование терминологии менеджмента в русском языке: дисс.... канд. филол. наук. – Казань, 2008. – С.25–26.

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз яшалиш тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. 8-б.